ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Менежмент кафедраси

5А340201-Менежмент мутахассислиги учун магистрлик диссертациясини бажариш ва расмийлаштириш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Самарканд -2006

Тузувчилар: проф. Жабриев А.Н., доц. Усманов И.А.

Такризчилар: доц. Ш.А. Мусаева
СамҚХИ «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув» кафедраси мудири, доцент О. Муртазаев

Кафедранинг 2006 йил
26 август 2006 1 баённомаси
йиғилишида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилди.

Мундарижа.

Кириш 4
Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари 4
Магистрлик диссертацияси мавзуси ва илмий раҳбарини танлаш 5
Магистрлик диссертацияси таркиби 6
Магистрлик диссертациясини расмийлаштириш 10

Магистрлик диссертациясининг химояси. 11

Иловалар 14

Илова 1. Магистрлик диссертация намунавий мавзулари.
Илова 2. Магистрлик диссертацияси титул варагининг намунаси

А Н Н О Т А Ц И Я

Ушбу услубий қўлланма 5А340201-Менежмент мутахассислиги бўйича магистрлик диссертациясини бажарувчилар учун мўлжаланган. Кўрсатмада бу турдаги илмий ишларга куйиладиган асосий талаблар, уларни мазмуни ва таркиби ѓақида тавсиялар берилган.

Диссертациянинг хар бир кисмида нималарга ахамият бериш кераклиги, кайси масалаларни ёритиш ва кандай тартибда изохлаш хакида мулохаза юритилган. Шу билан бирга ишни расмийлаштириш қўйиладиган талаблар хам ёритилган.

Кўрсатма устида ишлаганда Магистрлик диссертацияси тўғрисида «Намунавий Низом», Ўзбекистон Республикаси Президенти ѓузуридаги Давлат ва жамият курилиш академияси тингловчиларини «Бизнес бошқаруви магистри» диссертацияси тўғрисидаги Низомлардан фойдаланилди.

Магистратура - бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган, аниқ мутахассислик буйича фундаментал ва амалий билим берадиган олий таълимдир.

Магистрлик диссертацияси илмий – тадқиқот мазмунидаги, ички яхлитликка эга, танланган мавзу бўйича иш жараёни ва натижаларини акс эттирувчи битирув малакавий илмий ишдир. Магистрлик диссертацияси «Менежмент» мутахассислиги буйича битирувчиларнинг умумметодологик ва махсус фанлардан олган назарий билимларини амалиётда, миллий иқтисодиётимидаги долзарб муаммо ва вазифаларни самарали ѓал этиш, иқтисодий ўсишнинг муѓим омили бўлмиш замонавий

менежмент усулларини турли мулк шаклларидаги ташкилотларда тадбик эта билишга каратилган.

Шу билан биргаликда магистрлик диссертация мавзуси менежмент мутахассислиги буийча долзарб ва одатда кафедрада кабул килинган илмий масалаларни ечишга каратилган булиши керак.

Магистрлик диссертациясининг илмий савияси менежмент мутахассислигининг ўқув дастурига мос бўлиши талаб қилинади.

Ишнинг бажарилишида унинг муаллифи мустақил илмий изланиш олиб бора олиши, касбий муаммоларни кўра олиши ва уларни ечишнинг умумий усулларини билишини намоён қилиш керак.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади «Менежмент» мутахасисилигининг махсус ихтисослик фанларидан олинган назарий билимларни умумлаштириш асосида мустақил илмий тадқиқот олиб бориб унинг натижаларини ишда акс эттиришга қаратилган. Диссертация устида ишлаш жараёнида магистрларда мустақил фикрлаш, иқтисодиётдаги ислоҳотларни олиб бориш, замонавий бошқарув тизимларини жорий этиш каби куникмаларни ривожлантириш ҳам кўзда тутилади.

Шу билан биргаликда магистрлик диссертацияси олдига қўйидаги вазифалар қўйилади:

- халк хўжалиги тармоғи ёки ташиклотлардаги долзарб бошққарув муаммоларнинг янги илмий асосланган ечимларини аниқлаш;
- муаммога оид илмий адабиётларнинг танқидий тахлилини амалга ошириш;
- тадқиқот объектларидагр қонуниятларни очиб бориш;
- илмий-услубий ёндашув асосида ижтимоий-иқтисодий фаолият натижаларини таҳлил қилиш;
- диссертация йўналиши бўйича илмий хулосалар ишлаб чикиш;
- тадқиқот объектида бошқарув тизимларининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ амалий таклифларни асослаб бериш.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ МАВЗУСИ ВА ИЛМИЙ РАХБАРИНИ ТАНЛАШ.

Магистрлик диссертациясининг мавзулари «Менежмент» кафедраси илмий - тадиқиқот ишларининг умумий йуналиши асосида кафедра профессор-укитувчилари томонидан тайёрланади ва кафедра йиғилишида тасдиқланади. (Илова 1). Магистрлик диссертациялари мавзуларининг руйхати хар укув йили бошида магистратурага кабул эълон килинишидан олдин янгиланиб туради.

Магистр берилган рўйхатдан узига якин йуналиш буйича магистрлик диссертация мавзусини ва илмий рахбарни танлайди. Магистрнинг узи мустакил равишда ёки кафедра мудири, тегишли профессор-укитувчилар, соха мутахассислари билан бамаслахат рўйхатга киритилмаган мавзуни танлаши мумкин. Ўқув йилининг

сентябр ойида шу масала буйича кафедра мудирига ёзма мурожаат килади. Кафедра йигилишида мавзу ва илмий рахбар ва маслахатчи тасдикланади. Кабул килинган карор институт илмий кенгашида куриб чикилиб институт ректори буйруги билан тасдиклангандан сўнг юридик кучга киради.

Илмий раќбар мавзу танлашдан бошлаб, ќимоя жараёнинг охиригача, магистрга илмий-амалий йўл-йўриқ кўрсатувчи, тайёрланаётган диссертациянинг сифати, савиясига муаллиф билан баробар жавоб берувчи устоздир. Илмий раќбар кафедра профессор - ўқитувчилари, шунингдек, ташқаридаги илмий тадқиқот институтларидан, бошқа олий ўқув юртларидан, турли мулк шаклларидаги корхоналардан таклиф қилинган юқори малакали мутахассислар бўлиши мумкин.

Магистрлик диссертация икки фан туташлигида (ёки танланган раќбар кичик йўналиш мутахассиси) бажарилганда маслаќатчи таклиф этилиши мумкин.

Магистрлик диссерациясига мутахассислик бўйича фан докторлари ва профессорлар илмий раќбарлик қиладилар.

Истисно тариқасида магистрлик диссертациясига илмий кенгаш қарори билан охирги уч йил давомида устувор мавзуда илмий фаолият билан шуғулланаётган фан номзодлари (доцент) ёки ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассислари раќбарлик қилиши мумкин.

Битта илмий раќбар бир вақтида учтагача магистратура талабасининг илмий фаолиятига раќбарлик қилиши мумкин.

Илмий раќбар магистрлик диссертацияси ќақида хулосаларини ќимоядан камида 3 кун олдин ќимоя ќайъатига ёзма равишда тақдим этиши керак.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Магистрлик диссертацияси малакавий мехнат булиб, назарий ва амалий ахамияти, хамда умумуслубий савияси ва илмий иш сифатида тайёрланиши билан бахоланади.

Диссертация ишида **илмий масалани** тадкикот килаетган магистратура талабаси.

• танланган илмий мавзунинг долзарблигини асослаши;

• тадкикотнинг максади ва муайян масалаларни куйиши ;

• тадкикот обекти ва мавзусини аниклаб олиши ва таърифлаши ;

• тадкикот усулини (ёки методикасини) танлаши;

• тадкикот натижаларини жамлаш ва тахлил килиш ;

• олинган хулосаларни шакллантириши, натижаларни бахолаши ва улар асосида иктисодиёт тармокларида самара берувчи аник таклифлар киритиши керак.

Илмий техник масалани ечиш буйича диссертация ишида магистр:

• танланган илмий-техник мавзунинг долзарблигини асослаш;

• ечилаётган илмий-техник соха буйича масала холатининг тахлилини жамлаб бериши;

• илмий-техник, техник-иктисодий ва бошка талабларни шакллантириш, куйилган масалани ечиш мукобилларини куриб чикиши ва энг самаралисини аниклаши масалани ечиш методикасини асослаши;

• энг мукобил ечимни илмий конструкторлик технологик ва (ёки) техник иктисодий асослаб бериши;

• энг мукобил самарали ечимнинг патентга лойиклиги ва патентга софлигини тадкик килиши;

• илмий техник масала ечимининг натижалари буйича хулосалар хамда таклифларни шакллантириши ва иктисодиётнинг тегишли тармокларида куллаш сохаларини аниклаши лозим.

Диссертация иши **илмий услубий масалаларини** хал килишга каратилган булса, магистратура талабаси :

• узлуксиз таълим тизимининг муайян погонасида танланган укитиш услуби ва технологиясининг долзарблиги;

• жамият тараккиётининг хозирги замон талабларидан келиб чиккан холда ушбу фаннинг урни ва ролини курсатиши;

• тадкикотнинг максади ва аник вазифасини курсатиши ;

• тадкикотнинг объекти ва предметини аниклаши ва баён килиши ;

• тадкикот усулини танлаши;

• урганилаётган укитиш усулини амалга ошириш учун дидактик ва таркатувчи материалларни ишлаб чикиши;

• ноъананавий укитиш усулларини тадбик килиш учун методологик ва педагогик психологик тадкикотлар утказиш;

• хулоса килиши ва тадкикот натижаларини укув жараёнига куллаш учун аник таклифлар бериши лозим.

Магистрлик диссертациясининг таркиби қўйидагилардан иборат бўлиши керак.

- титул варағи;
- мундарижа;
- кириш;
- биринчи қисм. (Адабиётлар шархи ва таќлили);
- иккинчи қисм (Асосий қисм. ўрганиладиган соќада, ташкилотда олиб борилган изланишлар);
- Учинчи қисм. (ўрганиладиган муаммо буйича таклифлар, ечимлар, чора-тадбирлар);
- хулоса;
- диссертация мазмуни буйича муаллифнинг маколалари;
- фойдаланилган адабиётлар руйхати;
- Апробация ва амалиётга жорий килинганлиги хакида маълумот;
- Илова (зарур бўлганда).

Мундарижа диссертациянинг бўлим, қисм ва параграфларини номлари ва бетлари кўрсатилган рўйхатдир. Буларни қисқартириб ёзиш мумкин эмас. Асосий матндаги ва мундарижадаги ёзув бир хил бўлиши керак.

Кириш қисми диссертация ёзиб тугатилгандан кийин ёзилиши мақсадга мувофиқ. Кириш қисмида қўйидагиларни акс этириш тавсия этилади.

- мавзунинг долзарблиги;
- мақсади ва вазифалари;
- муаммонинг ўрганилганлик даражаси;
- тадқиқот объекти;
- илмий янгилиги;
- амалий аќамияти;
- апробация ва олинган натижаларни амалиётга жорий қилиниши нима натижаларга эришилди.

Диссертациянинг кириш қисмини ўқиган киши илмий иш ќақида асосий тасаввурига эга бўлиши керак, яъни кириш қисмида илмий ишда бажарилган изланишларни қисқача қилиб ёритиб бериш талаб қилинади.

Адабиётлар шарќи ва таќлили (1 кисм) назарий қисм ќам деб аталади. Бу қисмда магистрлик тадқиқот ишига таллуқли маълумотлар умумлаштирилади ва таќлил қилинади. Зарур бўлганда адабиётлар танқидий таќлил қилиниши ќам мумкин. Мавзуга тааллуқли адабиётларни таќлил қилиш магистратура талабасига олинган натижаларни холисона баќолаш ва тадқиқотни мақсадли режалаштириш имконини беради.

Адабиётлар шарќида мавжуд илмий хулосаларни таққослаб таќлил қилиш ушбу мавзу бўйича ва даврга қадар қандай ишлар бажарилгани ќақида маълумот берилади.

Адабиётлар билан ишлашдан мақсад ушбу мавзунинг ўрганилганлик даражасини билишдир.

Диссертациянинг асосий қисми қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади.

- қабул қилинган гипотезага мувофиқ назарий тадқиқотлар.
- тажриба қисми (ёки кўринаётган маслаќат назарий модели), ўрганилаётган объектда бу масала қайси ќолда (статистик кўрсаткичлар шахсий кузатишлар, эксперементлар).
- олинган натижалар ва уларни умумлаштириш. Тадқиқотчининг фикрича қайси факторлар ва қай тарзда таъсир қиляпти. **Олинган натижалар ва уларнинг тахлили** айрим бобларга ажратилиб еки ажратмай ёзилиши мумкин.

Бу булимда тажриба маълумотлари илмий маколага (журналдаги) нисбатан туларок езилиши керак. Ушбу булим муаллиф танлаган шаклда езилади ва маълум бир стандарт билан чекланмайди.

Учинчи қисм. Тадқиқот натижасида аниқланган камчиликлар, ечилмаган муаммолар бўйича магистрант ўзининг таклифларини ёритади. Керак бўлса чора-тадбирлар, янги бошқариш усулларини таклиф қилиниши мумкин.

Учинчи қисмнинг охриги бўлими бажарилган ишнинг самарадорлигини баќолашга қаратилган бўлиши керак. Бажарилган иш қайси соќага ва қай миқдорда самарадорлик келтиради.

Хулоса. Илмий ишнинг бу қисмида олдинги ќамма қисмлар бўйича қабул қилинган хулосалар бир тартибга келтирилади. Олдин сурилган гипотеза бўйича

1) Нима ишлар қилинди
2) Нималар аниқланди.
3) Қайси натижаларга эришилди.

Олинган натижалар ва хулосалар ќар бобнинг охирида алоќида кўрсатилиб бориши шарт. Хар бир хулоса тартибли рақамланиши керак.

Умуман укувчи диссертациянинг «Кириш» ва «хулоса» кисмлари билан танишиб чикиб ишнинг максади ва эришилган натижалар хакида тасаввурга эга булиши лозим.

Диссертация мазмуни бўйича муаллифнинг мақолалари. Бу бўлимда муаллифнинг (ёки раќбар билан ќамкорликда) диссертация мазмуни ва илмий натижалар бўйича чоп этилган мақолалар рўйхати келтирилади. Химояга чиқиш учун бундай мақолалар камида иккита бўлиши шарт. Рўзномаларда эълон қилинган мақолалар бундан истисно.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Фойдаланилган адабиётлар қўйидаги тартибда ёзилиши талаб қилинади.

1. Қонунлар, ќуқуқий ва сиёсий хужжатлар.
2. Китоблар ва рисолалар.
3. Рўзнома ва журналлардаги мақолалар.
4. Диссертациялар, авторефератлар.
5. Статистик тўпламлар ва бошқалар.

Адабиётлар рўйхатига муаллиф томонидан фойдаланилган ќамма адабиётлар киритилади. Адабиётлар номи алфавит тартибида келтирилади. Қарорлар, норматив ќужжатлар бундан истисно рўйхат бошида келтирилади.

Агар адабиётда ёки мақолада бир нечта муаллифнинг фамилияси келтирилган бўлса биринчи учта муаллиф ёзилади. Учтадан кейингиси ва бошқалар дейилади.
Мисолларни кўриб чиқамиз.

1. Китоблар учун. Муаллифнинг фамилияси, исми - шарифининг бош харфлари (нуқта), китобнинг тўлиқ номи (нуқта), шаќар (нуқта), нашриёт (вергул) чоп этилган йили (вергул), бета (нуқта) нашриёт (вергул) чоп этилган йили (вергул), бети (нуқта). Мисол

1. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё., Менежмент Тошкент. Ўқитувчи, 2001 , 702 в
2. Журнал мақоллари учун. Муаллифнинг фамилияси, исми- шарифининг бош ҳарфлари (нуқта), номи (нуқта), чоп этилган йил (нуқта), жилд (вергул), бетлар (нуқта)

Мисол: Жабриев А.Н. Бўриев Х. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув функцияларининг такомиллашуви. Ж. –Иқтисодиёт ва таълим 2004 № 1 16-20б

3. Диссертация ва авторефератлар учун.

Муаллифнинг фамилияси, исми-шарифининг бош ҳарфлари (нуқта) ишнинг номи (нуқта) кандай илмий даража берилган (нукта), шахар (вергул), йили (вергул), бетлар сони (нукта)

Мисол. Турдибеков Х.И. Совершенствование управления процессом формирования качества зданий непроизводственной сферы. Диссертация автореферати. Иқтисод фанлари номзоди. Самарқанд 2005 23 б.

Жадвал ва намойиш этиладиган материлларни келтириш. Диссертация ишида тадқиқотнинг айрим кўрсаткичларини таққослаш зарурияти бўлганди уларни жадвал кўринишида келтириш мумкин.

Маъносига кўра жадваллар таҳлилий ва нотаҳлилий бўлиши мумкин. Таҳлилий жадвал рақамли маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш натижалари бўлиб, одатда бундай жадвалдан қийин янгича билим натижаси сифатида умумлаштирилади, ҳамда матнда «3 жадвалдан қўйидаги хулоса қилиш мумкин», «5 жадвалдан кўринадики» ва х.о. баён килинади.

Айрим холларда жадвалнинг давоми кейинги бетга утиши мумкин, у холда жадвал сарловхасини ёзиб устига «жадвал давоми»-деб ёзиб куйилади. Магистрлик диссертациясидаги барча намойиш килинадиган маълумотлар бир тартибда ракамланган булиши керак. Пастги қисмида шу маълумотга мос келадиган номи ёзилиши керак. Намойиш этиладиган материални номлаш 3 та асосий элементни ўз ичига олади.

- график сюжетини номлашди «Расм» ёки «жадвал» деб белгиланади.
- намойиш этилаётган материаллни тартиб раками номи

Апробация ва амалиётга жорий килинганлиги хакида маълумот. Апробация булимида. Диссертант илмий ишнинг асосий натижалар каерда, качон, кайси конференция, симпозиция, йигилиш. Техник кенгашларда баён килганлиги хакида маълумотлар келтиради. Исботловчи хужжатлардан нухса куйилади. Амалиёт булимида илмий ишнинг асосий натижалари амалиётга кайси куринишда татбик этилди. Кутилаётган (ёки олинган) самарадорлик курсаткичлар хакида маълумот беради. Исботловчи хужжатлардан нусха куйилади

Жадваллар, Расмлар, Чизмлар- А-4 форматли ок когозда бажарилади ёки ёпиштирилади. Буларга тегишли тушунчалар уларнинг типида ёзилади.

Магистрлик диссертацияси узбек, рус ёки бирор бир чет тилида тайёрланиши мумкин. Иш чет тилда тайёрланса, албатта давлат тилида аннотация ёзилиши шарт. Диссертация химояси таржимон ёрдамида утади.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Диссертация қўлёзмаси тайёрлангандан сўнг, илмий раҳбарнинг розилиги билан уни компьютерда теради. Диссертациянинг умумий ҳажми 12 катталигида Times New Roman IRO шрифт компьютер ёзувида 1, 5 интервалда 60-75 бет орасида бўлади.
Диссертация А-4 ўлчамли ёзув қоғозида бажарилиб қўйидагича интервал қолдирилиши лозим.

Чап томонидан 30 мм.
Юқоридан -20 мм
Ўнг томонидан 10 мм

Пастдан -25 мм

Бетларнинг тартиб рақами ўнг томонда юқоридаги бурчакда ёзилади. Формулалар тушунарли ҳолда терилади ёки қора сиёҳ, қора тушда ёзилади. Формула, белгилар ўлчами қўйидагича бўлиши тавсия қилинади.

Босма ҳарфлар ва рақамлар – 7- 8мм.

Ёзувлари - 4 мм.

Каферда йигилишида магистрлик диссертацияси, рахбар такризи билан (2 нусхада) кафедрага дастлабки ҳимоя учун такдим этилади. Дастбалки химоядан утган магистрлик иши кафедранинг баённомаси билан ДАКнинг химоясига тавсия этилади. Шу йигилишда диссертация ишига ташки оппонент тайинланади.

Магистрлик диссертациясига илмий рахбарнинг хулосаси ва оппонентнинг такризи олинади. Буларда куйидагилар акс эттирилиши керак.

Илмий рахбарнинг хулосасида:

- мавзунинг долзарблиги;

-диссертация мавзусини кафедранинг илмий йуналиши билан богликлиги.

-тадкикотнинг илмий янгилигининг асосланганлиги.

-максади вазифалари кай даражада ёритилгани;

-магистратура талабасининги илмий тадкикот ишларига кобилияти хакида киска маълумот;

-хулосаларнинг сифати;

-диссертациянинг магистрлик диссертацияларига куйиладиган талабларга мос келиши. акс эттирилиши керак.

Ташки оппонентнинг такризида:

- диссертация иши мавзусининг долзарблиги;

-диссертациядаги асосий илмий хулосалар ва натижаларнинг исботланганлиги, илмий --янгиликларнинг мавжудлиги ва салмогини исботлаб бериш;

-магистрлик диссертациясининг тугаганлиги ва мазмунга бахо;

-диссертациянинг куйиладиган талабларга жавоб бериши.

Муддатда тайёрланган диссертация иши, илмий рахбар ва оппонентнинг такризлари, магистрнинг мутахассислик буйича ўкув режани тўлиқ бажарилганлиги хақидаги маълумотнома билан бирга давлат аттестация комиссиясига такдим этилади.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ ХИМОЯСИ.

Диссертацияни расмий химоя килишга рухсат берилган магистратура талаблари руйхати деканат (булим) томонидан ДАК химоя бошланишдан камида 2 кун олдин такдим этилади.

ДАКнинг мажлиси бир кунда 6 соатдан ортик давом этмаслиги керак. ДАК аъзоларининг камида 2/3 кисми мавжуд булганда химояни бошлаш мумкин.

Магистрлик диссертацияси химоя синиг натижаси «Розиман» ёки «Рози эмасман» тизимида аникланади. Комиссия аъзодларини яширин овоз беришда катнашган куп кисмининг «Розиман» овозини олганда диссертент химоя килган хисобланади.

Овозлар сони менг булганда ДАК раисининг овози хал килувчи хисобланади. Бунда ДАК раиси уз фикрини расман асослаб беради.

Овоз бериш ва натижаларни якунлаш учун комиссия аъзолари таркибидан очик овоз бериш йули Билан хисоб комиссияси ДАКнинг хар бир кенгашида кайтадан ташкил этилади.

ДАК ва хисоб комиссияси баённомалари, яширин овоз бериш бюллетен хамда магистратура талабсининг билим даражаси тасдикланган шакл буйича расмийлаштирилади.

Маълум сабабларга кура диссертацияни якунлай олмаган талабага келаси йил химоя килишга рухсат берилади. Бундай холатда диссертация янги олинган тадкикот натижалари билан тулдирилиши ва кафедрада дастлабки химоядан утиши шарт. Дастлабки химоя баённомасида аввал нималар килинганлиги ва кандай янги маълумотлар кушилганлиги курсатилиши керак.

Магисрлик диссертациясини химоя килмаган талабага магистрлик диссертациясини кийинги укув йилида бажариш учун контракт тулов асосида янгиланган ишни химоя килишга рухсат берилади.

ДАК уз ишини якунлагандан сунг куйидагилар акс эттирилган хисоботни укув булимии ва илмий кенгашга такдим этади.

- магистрларни тайёрлаш даражаси;

-тайёрланган диссертациялар сифати;

-диссертациялар мавзуларини Фан, техник, технология ва амалиётнинг хозирги замон холатига мос келиши;

-магистратура талабасининг билим даражаси;

магистрлар тайёрлашдан айрим камчиликлар (фанлар буйича);

-мехнат бозори талабларини хисобга олган холда укув жараёнини ташкил этиш ва мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар.

ДАК мажлисини утказиш тартиби куйидагича тавсия этилади:

Раислик килувчи кенгашни очиб, магистратурани тугалловчи (Ф.И.Ш.) томонидан ушбу мавзудаги диссертация ишининг химояси утказилишини эълон килади. Сузни ДАК кенгаши котибига беради

ДАК котиби магистратура талабасининг талаб килинган хамма хужжатлар бирлиги хакида ахборот бериб, диссертантга берилган таснифни укиб беради.

Раис сузни диссертантга беради. Магистрант ишнинг асосий натижалари хакида 15 дакика ичида сузлаб беради. Ахборот беришда магистратура талабаси узи тайёрлаб келган слайд, плакатлар, жадваллар ва бошка намойиш материаллардан фойдаланиги мумкин.

Магистратура талабси берилган саволларга жавоб бериб булгандан сунг суз илмий рахбарга берилади.

Маълум сабабларга кура илмий рахбар кенгашда катшанмаётган булса, котиб унинг ёзма хулосасини укиб эшиттиради.

Котиб расмий оппенентнинг такризини укиб эшиттиради.

Диссертант расмий оппонентнинг курсатган камчиликларига жавоб беради.

ДАК аъзолари огзаки равишда уз фикр ва мулохазаларини билдиришлари мумкин. Мунозаралар тугагандан сунг диссертантга якунловчи суз берилиши мумкин. Шу билан химоянинг асосий кисми тугалланади.

ДАК аъзоларининг ёпик кенгашида яширин овоз бериш йули билан диссертация ишига бахо берилади.

Хисоб комиссиясининг раиси овоз бериш якунини эълон берилади.

Хисоб комиссияси баённомаси тасдикланади. Битирувчига МАГИСТР академик даражаси берилганлиги хакида карор кабул килинади.

Расмий химоя давомида четлатилган диссертация иши «химоя килинмаган» хисобланади.

Ҳимоядан сунг магистрлик диссертацияси (асл нусхаси) кафедрага топширилади. Диссертация натижалари амалиётда тадбик этиладиган булса, ёки курик-танловда катнашишга тавсия этилса ундан нусха кучирилади.

Кафедранинг маъсул ходими, диссертацияларни акт оркали бир ой муддатда архивга топшириши керак.

Илова 1

Магистрлик диссертация тахминий мавзулари

1. Хусусийлаштириш ва минтакавий ривожланиш муаммолари.
2. Кушма корхоналарда персонални бошкаришда ижтимоий меъерларнинг кулланиши.
3. Кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш йуллари.
4. Бозор муносабатлари шароитида кадрларни тайёрлаш ва кайта тайерлашнинг асосий йуналишлари.
5. Персонални бошкариш ва уни бахолаш услублари.
6. Корхона ва ташкилотларда ходимларни бахолаш , танлаш ва аттестация утказиш
7. Савдо ишлаб чикариш ташкилотларида кадрлар менежменти тамойилларини куллаш
8. Туризм ривожланишида шахарларнинг таъсири ва туризмда инсон ресурсларининг менежменти
9. Хусусий корхонада ишлаб чикариш персонал таркибини шакллантириш.
10. Банкнинг туман булимида инсон ресурсларини бошкариш муаммолари.
11. Олий маълумотли мутахассисларга куйиладиган касбий талабларнинг мохияти.
12. Бозор иктисодиёти шароитида корхона стратегиясини тахлил килиш ва такомиллаштириш.
13. Корхона стратегиясини тахлил килиш ва такомиллаштириш.
14. Ишлаб чикариш корхоналарини стратегик бошкариш
15. Корхонада сифатни бошқариш тизимини шакллантириш.
16. Акционерлик капитал шароитида бошкариш фаолиятининг хусусиятлари.
17. Рахбарлик фаолиятининг иктисодий ижтимоий мохияти ва уни такомиллаштириш
18. Рахбарлик фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш.
19. Корхона ва ташкилотларда низолар ва уларни бартараф килиш йуллари.
20. Корхоналарда замонавий компьютер технологияларини тадбик этиш муаммолари.
21. Замонавий компьютер технологияларининг бошкарув самарадорлигини оширишдаги ахамияти.

22. Бозорни бошкаришда компьютер технологияси.
23. Корхона молиявий баркарорлигини таъминлашни бошкариш ва тахлил килиш.
24. Банклар фаолиятини бошкариш.
25. Маъмурий менежментда хизмат этикети.
26. Ташкилотчилик назарияси ва унинг бозор муносабатлари шароитида корхонани бошкаришдаги ахамияти.
27. Бозор иктисодиёти шароитида бошкариш функцияларини такомиллаштириш
28. Бозор иктисодиёти шароитида бошкарувни ташкилий шаклларини ривожлантириш
29. Узбекистонда ахборот ва коммуникацион технологияларни ривожланиш муаммолари
30. Таълим муассасаларда ахборот технологияларни куллаш муаммолари
31. Банк фаолиятини бошкаришда локал-хисоблаш тармокларнинг роли ва урни
32. Инвестицион лойихаларни бахолаш услублари ва уларнинг таркиби
33. Ахборот технологияларни менежмент тадкикотларида кулланилиши
34. Фирма иктисодиётининг ривожланишини башорат этиш
35. Бозор икисодиёти шароитида тижорат банкларида менежментнинг долзарб масалалари
36. Ишлаб чикаришда инновацияларни бошкариш
37. Ишлаб чикариш корхоналарида ишбилармонлик мухити
38. Бозор иктисодиёти шароитида инкирозга карши бошкариш
39. Савдо ишлаб чикариш компанияларида бошкарув таркибини такомиллаштириш
40. Ишлаб чикариш самарадорлигини бошкариш
41. Ишлаб чикариш корхоналарида сифатни бошкариш
42. Ташки иктисодий фаолиятини ташкил этиш ва бошкариш
43. Банк тизимида инсон ресурсларни бошкариш
44. Саноат корхоналарида операцион менежмент функцияларини такомиллаштириш
45. Туризм хизматларига талаб ва таклифларни бошкариш
46. Корхоналар молиявий натижалар курсаткичлари тахлили ва бошкариш.
47. Корхоналар иктисодий потенциали тахлили ва бошкариш.
48. Корхоналар молиявий потенциали тахлили ва бошкариш.
49. Корхоналар узок муддатли активлар тахлили ва бошкариш.
50. Корхоналар уз маблаглари тахлили ва бошкариш.
51. Корхоналар жалб килган маблаглар тахлили ва бошкариш.
52. Корхоналар бозор фаоллиги тахлил ва бошкариш.
53. Корхоналар молиявий баркарорлиги тахлили ва бошкариш.
54. Корхоналар молиявий ва иктисодий мустахкамлиги тахлили ва бошкариш.
55. Бозор иктисодиёти шароитида бошкарув хисоби.
56. Корхоналарда харажатлар хисоби ва махсулот таннархини калькуляция килиш усуллари.
57. Товар моддий захираларни бахолаш ва уларнинг бошкариш.
58. Ишлаб чикариш жараёнини бошкариш марказлари буйича хисобга олиш.
59. Бошкарув хисоби маълумотларидан фойдаланиш.
60. Махсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг минтакавий тизимлари фаолиятини такомиллаштириш.
61. Тижорат банки фаолиятида кредитларни берилиши ва кайтарилишини бошкариш.
62. Ижтимоий таъминот булимида рахбарининг иш вакти самарадорлигини ошириш йуллари.
63. Корхонада товар захираларини бошкариш.
64. Ходимларни кизиктириш усулларни такомиллаштириш йуллари.
65. Тижорат банкида мижозлар билан муносабатларни такомиллаштириш.
66. АЖда тезкор режаларнинг ишлаб чикилиши ва бажарилиши.
67. Савдо ишлаб чикапиш корхоналарида мехнат унумдорлигини ошириш йуллари.
68. Савдо корхоналарида менежмент самарадорлигини ошириш йуллари.

69. Туманда шахсий ва кичик тадбиркорликни куллаб кувватлаш ва ривожлантириш.

Илова 2

Магистрлик диссертацияси титул варагининг намунаси

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРКАНД ИКТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Кулёзма хукукида
(10 шрифт)

Рузиев Алишер Акрамович
(12 – шрифт)

КОНФЛИКТЛАРНИ БОШКАРИШ МУАММОЛАРИ
(16 шрифт)

Мутахассислик – Менежмент
Диссертация
(16 -шрифт)

Менежмент магистри даражасини олиш учун
(12 - шрифт)

Илмий рахбар: Жабриев А.Н.
(12 шрифт)
Иш кўрилди ва химоя қилишга рухсат берилди.
Кафедра мудири Усманов И.А.
_____ «____» 200 й
(12 шрифт)

Самарканд 200 й
(14 шрифт)

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонаси
Шохрух кўчаси 60.

Буюртма №__
Ҳажми 1,0 б.т.
Адади 30 нусха